

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖЎРАҚЎЗИЕВ НОДИРБЕК ИМОМҚЎЗИЕВИЧ

**ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРДА КОСМОГОНИК
МИФОЛОГИЯ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Жўрақўзиев Нодирбек Имомқўзиевич

Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда космогоник мифология. 3

Журакузиев Нодирбек Имомкузиевич

Космогоническая мифология в древнетюркских письменных памятниках....23

Jurakuziev Nodirbek Imomkuzievich

Cosmogony mythology in the ancient Turkic written monuments. 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.47

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖЎРАҚЎЗИЕВ НОДИРБЕК ИМОМҚЎЗИЕВИЧ

**ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРДА КОСМОГОНИК
МИФОЛОГИЯ**

10.00.08 – Фольклоршунослик

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil194 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.til-adabiyot.fan.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳмонов Насимхон Асқарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турдимов Шомирза Ғаниевич
филология фанлари доктори

Жуманиёзов Баҳром Маткаримович
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.30.08.2018.Fil.46.02 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел.: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Т.Мирзаев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф.ф.д.,
академик

Л.Худайкулова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.н.

Ш.Турдимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё фольклоршунослиги ва туркологиясида қадимги туркий ёзма ёдгорликлар, уларда қайд этилган мифологияга оид матнларни аниқлаш ҳамда ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада жаҳон мифологиясига оид янги назарий концепциялар билан қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги мифологик унсурларни баҳолашга доир янги қарашларга эҳтиёж сезилди. Қадимда яратилган халқ донолиги ва тафаккури намуналари – мифлар, афсоналар, дostonлар, эртақлар, мақоллар минг йиллардан бери оғиздан-оғизга кўчиб, ёзма шаклларда бизгача етиб келган. Улардаги дунё тузилишига оид тасаввурлар, олам, табиат ва сирли кучларга бўлган муносабат доимо халқимиз фалсафий қарашлари, бадий тафаккури, дунёқарашини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Чунки қадимги миф ва афсоналар яхлит ҳолда адабиётнинг, умуман, санъатнинг асосий таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам мифлар доимо халқларнинг илк дунёқараши, адабиёти ва санъати, олам ва одам муносабатлари ибтидосини ўрганишда бирламчи манба ҳисобланади.

Жаҳон фольклоршунослигида мифология турларини тадқиқ этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган ва жиддий ютуқларга эришилган. Жумладан, космогоник, антропогоник, эсхатологик, астрал сингари мифология турларининг ўзига хос хусусиятлари, таснифи, тузилиши ва семантикаси ҳамда бадииятини ёритишга алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги космогоник мифологияга оид матнларни аниқлаш, уларни оғзаки ва ёзма фольклор намуналари билан қиёслаш, буддавийлик, монийлик, кўк Тангри, шомонлик манбаларидаги космогонияга оид сюжетлар муштараклигини ўрганиш фольклоршуносликнинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида айниқса, аждодларимиз томонидан яратилган барча тарихий, маданий, адабий ва санъат асарлари, жумладан, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш, тадқиқ этиш, улардаги умумбашарий ғояларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш ёш авлодни комил инсон сифатида тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Жамиятда юз бераётган ҳар қандай ислохот, аввало, бадий адабиёт ва маданиятда ўз ифодасини топиб, “адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор”¹, – сўзлари замирида адабиёт ва маданиятнинг жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаши тўла намоён бўлади. Зеро, халқ мақоллари, кўшиқ, афсона, ривоятлар халқ бадий тафаккури махсулидир. Бу жиҳатдан қадимги туркий халқлар яратган мифлар, афсоналар, илк адабиётимиз мавзу кўламини ташкил этишда ўзига хос тараққиёт босқичларига эгаки, бу ўринда космогоник мифология алоҳида аҳамият касб этади. Зотан, қадимги туркийларнинг ўзига хос дунёқараши, табиат ва олам

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. 2017 йил 4 август.

ҳақидаги тасаввурлари, диний-фалсафий қарашлари илк космогоник мифларда намоён бўлади. Исталган халқ адабиёти тарихига назар солсак, дастлаб мифларга ёки мифологик тасаввурларга асосланган адабий манбаларга эътибор қаратилади. Шу мақсадда ушбу тадқиқот қадимги туркий ёзма ёдгорликларга таянилган ҳолда, аجدодлардан бизгача етиб келган оғзаки ва ёзма ёдгорликлардаги космогоник мифларни ўрганиш, халқимизнинг илк дунёқараши ҳақидаги, уларнинг оламни англаш мезонлари тўғрисидаги билимларини ўрганишга қаратилгани ҳам диссертациянинг долзарб илмий муаммо ечимига бағишланганини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муаян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги космогоник мифология ҳақида алоҳида тадқиқот олиб борилмаган. Бироқ туркий халқлар мифологиясининг умумий тамойиллари ва қисман космогоник мифлар ҳақида бир қатор олимлар изланишлар олиб борганлар ва қимматли фикрлар билдирганлар. Хусусан, Н.Я.Бичурин, Л.Н.Гумилев, С.В.Киселев, С.Г.Кляшторний, И.В.Стеблева, Л.П.Потапов, А.М.Сагалаев, Р.Н.Безертинов, Н.А.Алексеев, И.С.Гуревич, В.Черемисин, М.Элиаде, А.Бисенбаев, С.А.Каскабасов, Я.Калафат (Ҳ. Kalafat), Б.Ўгел (В. Ögel), А.Инон (А. Inon), М.Сейидов, Ҳ.Зариф, М.Саидов, Б.Саримсоқов, Н.Раҳмонов, М.Жўраев, Ш.Турдимов, А.Мусақулов, Ғ.Ақромов, Ж.Эшонқулов¹ каби олимлар фикр билдирганлар. Шунини алоҳида таъкидлаш

¹ Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М., – Л.: Изд. АН. 1950; Гумилев Л.Н. Древние тюрки. – М.: Наука. 1967; Киселев С.В. Древняя история Южной Сибири. – М.: Изд. АН. 1951; Кляшторный С.Г. Памятники древнетюркской письменности и этнокультурная история Центральной Азии. – СПб.: Наука. 2006; Его же: Мифологические сюжеты в древнетюркских памятниках /

жоизки, ўзбек олимларидан М.Жўраевнинг докторлик диссертацияси, монография ҳамда мақолаларида жаҳон фольклоршунослигидаги космогоник мифлар изчил тадқиқ этилган, шунингдек, ўзбек фольклорида бу миф турининг таснифи янгича қарашлар асосида тадқиқ этилган. Аммо қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги мифологик образлар, космогоник тушунча бўлган уч қаватли олам моделини яратиш, қадимги турк-будда, монийлик, Кўк Тангри, шомонлик ёзма манбаларидаги самовий образларнинг семантик-функционал хусусиятлари туркий фольклор ва туркологияда ҳануз ўз ечимини топган эмас.

Тадқиқотда ана шу масалалар ҳал этилаётгани сабабли, ушбу диссертация шу пайтгача бажарилган тадқиқотлардан фарқланиб туради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети “Ўзбек адабиёти тарихи ва матншунослик” ҳамда “Фольклоршунослик ва диалектология” кафедраларининг “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Фольклоршунослик масалалари” мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги космогоник мифологияга оид матнларни қиёсий ўрганиш, рамзий образлар заминидаги миф сюжетларини ва улардаги космогоник тасаввурларни ёритиш, шунингдек, туркий халқлар эртак ва эпосларига қадимги туркий ёзма ёдгорликларни қиёслаш асосида, қадимги туркий космогоник пантеонни ҳамда уч қаватли олам моделини қадимги турк-будда, монийлик, Кўк Тангри, Шомонлик матнлари асосида ёритишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Туркологический сборник. – М.: Изд. АН. 1981; Стеблева И.В. Жизнь и литература доисламских тюрков. – М.: Восточная литература РАН. 2007; Потапов Л.П. Алтайский шаманизм. – Л.: Наука. 1991; Сағалаев А.М. Мифология и верования алтайцев. Центрально-азиатские влияния. – Новосибирск: Наука. 1984; Безертинов Р.Н. Тенгрианство-религия тюрков и монголов. – Казань: Слово. 2004; Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюркоязычных народов Сибири. – Новосибирск: Наука. 1980. Его же: Шаманизм тюркоязычных народов Сибири. – Новосибирск: Наука. 1984; Гуревич И.С. Космогонические представления и пережитки тотемического культа у населения Оленекского района // Советская этнография. – М., 1948. №3. – С. 128-131; Черемисин Д.В. К ирано-тюркским связям в области мифологии: богиня Умай и мифическая птица / Народы Сибири: история и культура. – Новосибирск: 1997; Элиаде М. Космос и история. – М.: Прогресс. 1987; Бисенбаев А. Мифы древних тюрков. – Алматы: 2007; Каскабасов С.А. Казахская не сказочная проза. – Алма-ата: Наука. 1990; Kalafat Y. Doğu Anadolu'da Eski Türk İnancılarının izleri. – Ankara: AKM. 1999; Ögel V. Türk mitolojisi. Cild-III. – İstanbul: TTKB. 1971; İnan A. Tarihte ve Bugün Şamanizm. – Ankara: TTKB. 1972; Сайидов М. “Тызыл дөјүшчү” нун талеји. – Бақы: Көнчлик. 1984; Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ОГИЗ. 1947; Саримсоков Б. Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан. 1997. – Б. 97-148; Раҳмонов Н.А. Рухиятдаги нур муроди. – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2002; Яна ўша: Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. I жилд. – Тошкент: Фан 2005; Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналарининг тарихий асослари: Филол., фан., д-ри, дис. – Тошкент: 1996; Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. 2006; Турдимов Ш. “Тўрўғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан. 2011; Мусақулов А. Ўзбек халқ лирикаси. – Тошкент: Фан. 2010; Ақромов Ғ. Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996, № 2, 4, 5, 6-сонлари; Эшонқулов Ж.С. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари: Филол. фан. ном. дисс. – Тошкент: 1996; Яна ўша: Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадий талқини: Филол., фан., д-ри, дис. – Тошкент: 2010; Яна ўша: Ўзбек эпик асарларида “ўзга” дунё тушунчаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996, № 2. – Б. 33-36.

қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги космогоник мифларнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш;

қадимги туркий ёзма ёдгорликларда шомонлик ва унинг космогоник мифологияни юзага келтирувчи асосий омиллардан бири эканлигини очиб бериш;

қадимги турк-будда ёзма манбаларидаги самовий жисмлар культининг семантик вазифасини ёритиш;

қадимги туркий ёзма ёдгорликлар ва туркий халқлар фольклорида анъанавий дунёқараш ҳамда мифологемалар табиатини белгилаш;

қадимги туркий космогоник мифология ва туркий халқларнинг кейинги даврлардаги диний-фалсафий тасаввурлари муносабатларини асослаш;

буддавийлик ва монийлик оқимидаги қадимги туркий ёзма ёдгорликларида космогоник образларнинг шомонлик оқимидаги космогоник образлар билан уйғунлиги сабабларини очиш ва таҳлил этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида барча Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, хусусан, кейинги йилларда топилиб, эндигина илмий истифодага киритилган ёзма ёдгорликлар, “Ирқ битик” ва монийлик фолномаси, монийлик шеърлари, “Хуастуанифт” (Монийларнинг тавбаномаси) ва “Олтун ёруғ”, туркий халқлар фольклори ҳамда ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари танланган.

Тадқиқотнинг предметини қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги космогоник мифология ва туркий халқлар фольклори намуналарини қиёсий аспектда ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотида қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий усулдан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

қадимги туркий ёзма ёдгорликлари, “Олтун ёруғ”, “Хуастуанифт”, туркий-рун ёзма ёдгорликлари, “Ирқ битик” ва монийлик фолномаларидаги космогоник мифлар умумтуркий, айна пайтда, ўзбек мифологиясининг таянч манбаларидан бири эканлиги асосланган;

“Олтун ёруғ”, “Хуастуанифт”, туркий-рун ёзма ёдгорликлари, “Ирқ битик” ва монийлик фолномаларидаги космогоник мифлар фабуласига асосланган ҳолда уч қаватли олам модели ҳақидаги қадимги туркий қавмлар тасаввурлари тикланган;

“Хуастуанифт”да самовий культ – Қуёш ва Ой образларининг удумлар, маросимлар ва урф-одатлар билан боғлиқлиги асосланган;

қадимги туркий шеърлардаги Кун Тангри, Ой Тангри образларининг семантик хусусиятлари ва уларнинг қадимги туркий космогоник мифологиядаги роли далилланган;

қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги самовий жисмлар култи туркий халқлар фольклори намуналари, миф ва афсоналари билан қиёсий ўрганилиб, семантик-функционал жиҳатлари очиб берилган;

қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги Қуёш ва Ой культининг шомонлик, монийлик, буддавийлик ақидаларидаги умумий ва жузъий хусусиятлари ойдинлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари, қадимги турк-будда, монийлик ёзма ёдгорликларидаги мифологик образлар уйғунлиги ва бунинг сабаблари муаммолари ёритилган;

қадимги туркий ёзма ёдгорликлар ва туркий халқлар оғзаки ижодидаги уч қаватли олам модели пантеони, оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги сюжетлар ҳамда Қуёш, Ой билан боғлиқ мифологик тасаввурларнинг синкретиклиги, қадимги туркий буддавийлик, монийлик, шомонлик адабиётидаги мифологик тасаввурларнинг умумий ва жузъий хусусиятлари мифопоэтик образлар орқали асослаб берилган;

ибтидоий диний тасаввурларнинг қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги космогоник мифологияни шакллантиришдаги роли ва ўрни ёритилган;

Ўзбекистон ҳудудидан (хусусан, Попдан) топилган айрим ёзма ёдгорликлар космогоник мифология учун манбалардан бири эканлиги қайд қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қадимги туркий халқлар космогоник мифларининг вербал хусусиятлари ёзма ёдгорликларда, туркий халқлар афсоналари, эртак ва дostonларида даврлар ўтса-да, сақланиб қолганлиги ва муштарақлик касб этиб, қадимги туркий қавмларнинг оламини англаш мезонлари сақланиб қолганлиги, шунингдек, бу мезонлар асосидаги образлар қадимги турк давридаги таржима асарларига ҳам сингиб кетганлиги, бунинг натижасида қадимги туркий мифологиянинг, қолаверса, қадимги туркий адабий муҳитнинг барқарор эканлиги ҳақида хулосалар чиқарилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг натижалари ва илмий хулосаларидан туркий халқлар, жумладан, ўзбек адабиёти тарихи, фольклори, қадимги ёзма ёдгорликлар тарихи ва туркий халқлар фольклорини ўрганишда, туркий халқлар мифологияси йўналишида яратилажак ишлар ҳамда илмий рисоаларда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг амалий аҳамияти унинг натижаларидан олий таълим тизимида ўзбек филологияси, журналистика факультетлари талабалари учун “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Ўзбек халқ оғзаки ижоди”, “Ўзбек мифологияси”, “Қадимги туркий тил”, “Фольклоршунослик” йўналишида дарслик ва қўлланмалар яратишда, мифологик луғатлар тузишда, ихтисослик фанларини ўқитишда, амалий ва семинар машғулотлари олиб боришда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда космогоник мифология мавзусини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қадимги туркий космогоник мифопоэтикадаги “хаёт дарахти”, “дунё тоғи”, “уч қаватли олам модели” каби мифологемаларга оид илмий-назарий

қарашлардан ҳамда Ўзбек мифологияси тарихи билан алоқадор фикрлардан “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жылдигининг ўттиз, ўттиз биринчи (“Авазхон”: достонлар) жилдида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2018 йил 15 февралдаги 3/1255-417-сон маълумотномаси). Натижада “Авазхоннинг келтирилиши” достони вариантларини текстологик таҳлил қилиш, достонларнинг сюжет тизимидаги анъанавий мотивларнинг мифологик асослари ва генезиси ойдинлаштирилган, илмий натижаларнинг қўлланиши асосида илмий изоҳлар тузилган, ўзбек фольклори билан боғлиқ ўринлар таҳлил қилинган;

Ўзбек болалар ўйинлари ва мифологик асосларини ўрганиш, қадимги туркий ёзма ёдгорликларда, хусусан, “Кул тегин”, “Элгеш” ёдгорлиги, “Ирқ битик”даги космогоник мифологик образлар, оламни пайдо бўлиши ва қурилиши ҳақидаги мифологик тасаввурлар бўйича келтирилган таклиф ва янги ёндашувлар хорижий журналларда (*Turkish Studies. International Periodical for the Languages, Literature and History of Turkish or Turkic*. 2017. Volume 12/22. DOI Number: <http://dx.doi.org/10.7827/TurkishStudies.12309>. ISSN: 1308-2140; *Вестник Бурятского государственного университета. Гуманитарные исследования Внутренней Азии*. 2017. Вып. 1. УДК 811:299.4. Doi: 10.18101/2305-753X-2017-1-16-2; *Вестник Бурятского государственного университета. Гуманитарные исследования Внутренней Азии*. 2017. Вып. 4. УДК 396.11. Doi: 10.18101/2305-753X-2017-4-21-40) Туркия ва Сибир халқлари мифологиясини тадқиқ қилишда фойдаланилган. Илмий натижалардан фойдаланиш ўзбек ва турк болалар ўйинлари ва мифологик қатламидаги параллеллик, қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги уч олам модели, космогоник мифологик жараёнлар, Эрлик, Умай каби мифологик образларни батафсил тадқиқ қилиш имконини берган;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканалининг “Тил зийнати” кўрсатуви, “Ўзбекистон” радиоканали “Мангу хазина” эшиттиришида ўзбек тилидаги мифологик атамалар, эртақлардаги мифологик қаҳрамонлар исмлари, турли урф-одат ва байрамлар билан боғлиқ эски инончларга тегишли тушунчалар изоҳида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 2 февралдаги 05-15/790-сон маълумотномаси). Натижада ушбу кўрсатув ва эшиттиришларнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва мухлислар миф, мифологик тасаввурлар ва уларнинг удум ва урф-одатлар билан боғлиқлиги ҳақида янги маълумотларга эга бўлганлар.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 21 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда ва www.nuu.academia.edu/NodirbekJurakuziyev, www.scholar.google.ru/citations халқаро сайтларида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий мақола, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг

докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, хорижий журналларда 4 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 157 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Космогоник мифларнинг ўрганилиши ва қадимги туркий ёдгорликларда олам модели ифодаси”** деб номланиб, унинг биринчи фаслида **“Жаҳон ва қадимги туркий космогоник мифларнинг ўрганилиши ва мифопоэтик параллелликлар”** ёритилади.

Жаҳон халқлари мифопоэтикасида космогоник мифлар етакчи ўрин тутди. Оламни билиш, тушуниш, англаш, унинг ўзига хос мезонларини кўрсатиб берувчи бундай мифлар ҳақида кўплаб олимлар тадқиқот олиб борганлар. Хусусан, Дж.Фрэзер, О.Фрейденберг, А.Афанасьев, В.Топоров, А.Лосев, М.Матье, С.Крамер, Е.Мелетинский, М.Элиаде, Л.Воеводиналар асосан қадимги Миср, Шумер, Жанубий ва Шимолий Америка, қадимги Ҳинд, қадимги Хитой каби халқлар мифологияси ҳақида фикр билдирганлар.

Шу маънода туркий халқлар космогоник мифологияси ҳақида ҳам бир қанча олимлар изланишлар олиб борганлар ва қимматли фикрлар билдирганлар. Хусусан, С.Кляшторний, И.Стеблева, Л.Потапов, А.Сагалаев, Р.Безертинов, Н.Алексеев, М.Элиаде, А.Бисенбаев, С.Каскабасов, Я.Калафат (Ҳ.Калафат), Б.Ўгел (В.Ögel), А.Инон (А.İnan), М.Сеидов, Ҳ.Зариф, Н.Маллаев, Б.Саримсоқов, Ғ.Ақромов, А.Мусақулов, М.Саидов, Н.Раҳмонов, М.Жўраев, Б.Тўхлиев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқулов каби олимлар фикр билдирганлар.

Ўзбек олимларидан Н.Раҳмонов томонидан тайёрланган “Олтун ёруғ” асарида туркий мифология ҳақида қимматли фикрлар мавжуд. Хусусан, у космогоник мифология ҳақида қисман тўхталиб, “Қадимги енисей турклари космогоник мифларининг қурилиши бинар оппозицияга асосланган”, – деб таъкидлайди. Н.Маллаев “Алишер Навоий асарларида космогоник мифлар алоҳида ўрин тутди”, деб таъкидлаб, улардаги сайёралар номлари, юлдузлар, самовий жисмларнинг мифологик асосларини талқин этади.

М.Жўраевнинг мазкур йўналишдаги тадқиқоти жаҳон мифологияси юзасидан ёритилган жиддий тадқиқотларни камраб олгани билан алоҳида аҳамият касб этади. У халқ оғзаки ижодидаги “самовий афсоналар”ни космогоник мифлар негизидан излаб, унинг тарихий асосларини ўзбек халқ самовий афсоналари орқали ёритган. Шунингдек, олим жаҳон фольклоршунослигида миф ва унинг таснифи ҳақида илгари сурилган қарашларга муносабатини билдириб, ўзининг янги, такрорланмаган таснифини ўртага ташлайди. Шу боис биз қадимги туркий ёзма ёдгорликлардаги космогоник мифологияга асосий эътиборни қаратиб, туркий халқлар фольклори намуналаридан қиёсий материал сифатидагина фойдаландик, холос.

Б.Саримсоқов миф ва эртак ўртасидаги муносабатга эпик жанрларнинг диффузияси натижасида юзага келган ҳолатлар орқали баҳо беради. Қадимги туркий мифологиядаги асосий культ – қуёш образи “Кенжа ботир” эртагидаги образлар билан қиёсий таҳлил қилинади. Ғ.Акрамов ҳам қадимги мифларнинг эпос ва эртакка бўлган муносабати ҳақида фикр юритар экан, “Гўрўғли” туркумидаги асосий элементлар – парилар, девлар ҳамда ёвуз, салбий мифологик образлар билан боғлиқ мифопоэтик чизиқлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Ж.Эшонқуловнинг изланишларида туркий халқларнинг анъанавий дунёқарашида ер ости ва ғорлар билан боғлиқ илоҳий, муқаддас жойлар ҳамда туркий шомонлик, мифологик тафаккур ва поэтик тафаккур муносабатлари ҳақидаги фикрлари диққатга сазовор.

Космогоник мифларнинг, қолаверса, космогоник тасаввурларнинг мифопоэтикада алоҳида ўрин тутишига эътибор қаратиш талаб этилади. Кейинроқ пайдо бўлган календарь миф билан (туркий мучал ҳақидаги афсоналар) боғлиқ маросим ва космогоник миф классификаторларига, яъни *ота – осмон (кўк), она – ер, қуёш, ой* каби образларга ўтди. Шу тариқа дунёнинг пайдо бўлиши ҳақида янги тасаввурлар пайдо бўла бошлади. Масалан, қадимги Миср, марказий Америка, қадимги туркийларда дунёнинг яратилиши ҳақидаги мифлар шундан далолат беради. Худди шундай сюжет ва маънодошлик шумер, аккад, грек, хитой, веда мифларида ҳам кузатилади. Турли халқларга мансуб ушбу мифлардаги сюжет, маъно, композициядаги муштарак ҳолатлар қуйидагиларда кўринади: а) дунёнинг пайдо бўлиши хаосдан (йўкликдан) космосга (борлиққа) айланган; б) дунёнинг ягона яратувчиси – Тангри; в) космогоник мифлар учун характерли ҳолат – оламлар бўлинган: *ер-осмон, осмон-ер-ер ости* (қадимги туркийларда, шумерларда, қадимги мисрликларда, ҳиндларда Вишну уч олами); г) ушбу оламларни бир-бирига боғлаб турувчи тангрилар, руҳлар, айрим ҳолларда бахши ва шомонларнинг борлиги; д) осмон ва ер олами “дунё марказида жойлашган муқаддас тоғ”да бир-бири билан боғланган. Оламни турли хил *космик вертикал ва горизонтал зоналарга бўлиб тасаввур қилиш* қадимги космогоник мифларга хос хусусиятдир.

Юқоридагилардан маълум бўладики, космогоник мифология дунёнинг пайдо бўлиши, самовий жисмлар культининг инсон тафаккурида илк бор образ ва конкрет тушунча сифатида шаклланишига замин бўлди; диний-

фалсафий тафаккурга замин ясади, мифологик образлар эпик жараён учун муҳим далил бўлиб хизмат қилди.

Биринчи бобнинг “**Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда уч қаватли олам модели**” деб номланган иккинчи фаслида туркий халқлар космогоник мифопоэтикасидаги олам модели тадқиқ қилинади.

Қадимги туркий қавмлар яратган миф ва афсоналарнинг сюжет ҳамда мотивларига диққат қилсак, уларда турли диний оқимлар изларини учратамиз. Қадимги туркий мифларнинг аксарияти олам ва инсониятнинг пайдо бўлишига оиддир. Бундай мифлар, асосан, хитой, юнон муаррихлари асарларида, “Хуастуанифт”, монийлик шеърлари, Ўрхун-Энасой тошбитиклари, “Ирқ битик”лар, “Олтун ёруғ” ва туркий халқлар фольклори намуналарида сақланган. Шу билан бирга, улардаги синкретикликни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Шу маънода қадимги туркий мифларда ҳам олам горизонтал ҳолатда тасаввур этилиб, уч қаватдан иборат деб тушунилган.

Биринчи қават – Кўк Тангри (Осмон) юқори олами. Қадимги туркийлар бу оламни “Уза”, яъни, “Юқори” [ʃʧʰ – *uza*] деб аташган. Бу оламда *Кўк Тангри*, унинг ёрдамчиси *Умай* кабилар билан бирга, *Мангдашира*, *Мойтўра*, *Янқара*, *Шалйима*, *об-ҳаво бошқарувчиси Уркер (Хулкар)*, *чақмоқ бошқарувчиси Насигай* каби ёрдамчи рухлар ҳам яшаганлар.

Иккинчи қават – Муқаддас Ер-Сув ўрта олами. Қадимги туркийлар бу оламни “*Экин ара*”, яъни, [ʃʧʰʰʰ – *ʔkin ʔra*] “иккисининг ўртаси – осмон ва ернинг ораси” деб аташган. Ўрта оламнинг бош худоси *Муқаддас Ер-Сув* билан биргаликда, унинг ўн *еттита* яхши ёрдамчиси (*руҳлари*), кудратли *Иокан*, *сув*, *ўрмон*, *тоғ руҳлари* ва *инсонлар* шу оламда яшаганлар.

Учинчи қават – Эрликхон ҳукмрон бўлган ер ости олами. Қадимги туркийлар бу оламни “Асра”, яъни “Паст, қуйи” [ʃʧʰ – *ʔsra*] деб аташган. Бу оламда *Эрликхон* (*айрим манбаларда Эрклиг*), унинг *тўққизта ўғли* – *Қараш*, *Маттир*, *Шингай*, *Кўмирхон*, *Бадиш бий*, *Ябаиш*, *Темирхон*, *Учархон*, *Керейхон* ва *иккита қизи* – *Киштей она*, *Эрка Султон*, тез ажал чақирувчи *Бўрт* (*айрим манбаларда Бюрт тарзида келтирилади*) каби ёвуз рухлар истиқомат қилганлар. Учала оламдаги барча ҳукмдор ва руҳлар Кўк Тангрига топинганлар. **Биринчи қават (юқори дунё).** Қадимги туркий мифларга кўра, юқори оламда бутун дунёни (уч оламни) бошқариб турувчи ва уни яратган, инсонлар умрини белгиловчи, хоқонларга давлат ва куч берувчи, адолатли, доно, Кўк Тангри яшаган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит – турк” асарида ҳам қадимги туркий халқлар эътиқоди ва айнан “Тангри” сўзининг изоҳи қуйидагича берилган: “تَنْغْرِي - улуғ тангри. Мақолда шундай келган: تَنْغْرِي تَبْعَانِي تَنْغْرِي سَفِيح سِرْ *тојін тапуғсақ Тәңрі сәфінчсиз – кофирларнинг дин бошлиқлари улуғ тангрига ибодат қилади, лекин улуғ Тангри унинг ишидан рози бўлмайди... Худо ҳалок қилгур кофирлар осмонни تَنْغْرِي тәңрі дейдилар.* Космогоник мифлар учун яна бир характерли ҳолат “Тангрининг умр йўлдоши борлиги” ҳақидаги тасаввурнинг мавжудлигидир. Мазкур мифларда айтилишича, юқори оламда Кўк Тангрининг умр йўлдоши, оилага барака

берувчи ва болаларни ёвуз рухлардан асровчи Умай (D»>- Um⁴y) ҳам яшаган. Энг биринчи бўлиб, бу мифологик образга Махмуд Кошғарий куйидагича изоҳ берган эди: “... “Умайқа топинса, ўгил бўлур” деган масал бор, маъноси: ўшанга хизмат қилган ўгил кўради. Хотинлар шунга эътиқод қилишади”. А.Л.Троицкий, Л.П.Потаповнинг ўзбек халқида бу образ ҳақидаги қарашлари диссертацияда таҳлил қилинган ва муносабат билдирилган. **Иккинчи қават (ўрта дунё)**. Қадимги туркий мифларга кўра, ўрта дунёнинг бош худоси Муқаддас Ер-Сув (𐰽𐰺𐰍𐰏𐰤𐰠𐰪𐰆𐰢𐰏𐰡𐰆 – *İd⁴q Yir:Sub*) ҳисобланади. Ўрхун-Энасой ёдномаларининг деярли барчасида бу образ учрайди. Муқаддас Ер-Сув ҳам туркийларни асровчи илоҳлардан бири бўлган. Унга ўн еттита руҳлар бўйсунган. **Учинчи қават (ер ости олами)**. Ер ости оламининг бош худоси Эрлик (Эрклиг)хон (𐰽𐰺𐰍𐰏𐰤𐰠𐰪𐰆𐰢𐰏𐰡𐰆 – *Erklig*)дир. Турк-мўғул мифологиясида Эрлик хон Кўк Тангрининг иниси эканига ишора қилинади. Унинг номини тилга олиш, эслаш ёмонликларга олиб келади, деган тасаввурлар ҳозиргача сақланиб келади. Шундан бўлса керак, ёзма манбаларда унинг номи кам учрайди. Эрлик образи синкретик хусусиятга эга. Чунки буддавийлик образи *Яму (Yama)*, тибет-ламаистик образи *Чойджал* ва *Шиндже* образлари хусусиятлари Эрлик образида ҳам мужассамлашган. Ер ости дунёсида Эрлик хоннинг тўққизта ўғиллари (*Қараш, Маттир, Шингай, Кўмирхон, Бадиш бий, Ябаш, Темирхон, Учархон, Керейхон*), иккита кизи (*Киштей она, Эрка Султон*), элчилари (малайлари) ва *ажал руҳи Бўрт* ва бошқа ёмон руҳлар ҳам яшаган. Мифларда улар антроморф, темир бошли махлуқлар сифатида намоён бўлган.

“Қадимги туркий ёдгорликларда динлар синкретизми ва дунёқарашнинг бадиий талқини” номли иккинчи бобнинг биринчи фасли **“Қадимги туркий адабиётда афсонавий яда тоши”**ни ўрганишга бағишланган.

Қадимги туркий ёдгорликларда космогоник миф образлари ва сюжетлари аксарият синкретик ҳолатда бўлгани кузатилади. Бу – тарихий жараён ва бадиий тафаккурнинг синкретиклиги, мифологик дунёқарашнинг қадимийлиги, туркий адабиётнинг генезисида алоҳида ўрин тутганлиги билан изоҳланади. Кўк Тангри эътиқоди (айрим адабиётларда Тангричилик, тенгриизим, тенгрианство) – турк-мўғул халқларининг қадимги диний эътиқоди объекти бўлиб, буддавийлик, христианликдан аввалги эътиқоддир. Тангричиликнинг асосини космогоник культ бўлган Кўк Тангри ташкил қилади. Кўк Тангри эътиқоди мил.авв. V-IV минг йилликларга бориб тақалади ва бош худо бўлган XII-XIII асрларга келиб бу эътиқод онтологияга (якка худо ақидасини ўрганиш), мифологияга (космогоник уч олам концепцияси), демонологияга (аждодлар руҳи ва табиат руҳларининг алоҳидалиги) асосланиб, ҳар бири мустақил образга айланганини айтишмоқда. Бундан ташқари, баъзи олимлар қадимги туркийлар дини тангричилик эмас, шомонлик эди, деган қарашда бўлган эдилар. Қадимги туркийлар шомонларни “қам” дейишган. Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит – турк” асарида “قام”-[qam] – фусунгар, қоҳин” тарзида изоҳланган.

Қамликни жаҳон динлари билан қиёслаб бўлмайди. Чунки улар мақсад ва характер жиҳатдан анча устун туради. Туркий шомонликнинг эса географияси унчалик кенг эмас, регионал характерга эга бўлиб, Марказий Осиё ва Сибирда яшаётган туркий халқларни қамраб олган, кўчманчилик ҳамда уларнинг ҳаёт тарзига “мослаштирилган” дин кўриниши ҳисобланади. Буддавийлик ва монийлик таъсиридаги қадимги туркий адабиёт ҳам ҳажми ҳамда таъсир доирасига кўра катта мавқе эгаллаган. Гарчи бу адабий манбалар жанр ва мавзу кўлами жиҳатидан бир-биридан фарқ қилса-да, ўша давр адабиёти ҳақида хулоса чиқариш учун асос бўла олади. Туркий халқлар географик-демографик, миграцион жараёнлар, урушлар ва миссионерлик ҳаракатлари оқибатида янгича диний оқимлар қуршовида қолди. Монийликнинг асосий ақидаларидан бири “Нур Ота”си бўлиб, бу ақидага кўра, Нур Отаси ёруғлик ва эзгулик оламини бошқариб, зулмат ва ёвузлик олами билан кураши ғоясида кўринади. Монийлик адабиётининг таъсири шунчалик кучли бўлганки, буддавийлик оқимидаги адабиётга ҳам кириб борган. Жумладан, “Олтун ёруғ” билан “Хаустуанифт”даги айрим парчаларнинг мазмунан уйғунлиги фикримизга далилдир. Шунингдек, айрим қадимги туркий мифларга буддавийлик образларининг кириб келгани бу давр адабий жараёнларининг замини халқ оғзаки ижодига таянганлигини яна бир бор тасдиқлайди. Айниқса, олтой мифларида бу ҳолат аниқроқ кўзга ташланади. Хуллас, қадимги туркий адабий жараёнга Кўк Тангри (Тангричилик), шомонлик, буддавийлик, монийлик ақидалари ўз таъсирини ўтказган. Бу таъсирлар образларнинг биридан иккинчисига ўтишида ҳам намоён бўлади.

Яда тоши тимсоли ва *ядачилик* ақидаси қадимги туркий халқлар адабиёти, маданияти ва фольклорининг ажралмас қисми ҳисобланади. *Яда* тошининг афсонавий хусусияти шундаки, ядачи бу тош орқали махсус амалларни бажариб, исталган пайтда ёмғир, дўл, жала, шамол, бўрон, қуюн чақира олиш қудратига эга бўлган. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит-турк” асаридаги “یت-[јат] – йат” шаклида учраб, бу тош билан афсун қиладиган инсонларни “ятчи” деб аталишини айтиб ўтган. Юқоридаги фикрлардан англашиладики, ҳозирда мавжуд илмий адабиётларда “қам” (шомон)ларнинг табиат билан “тиллаша олиши” ва турли табиий офатларни чақириш вазифалари айтиб ўтилган эди. Аслини олганда, қам, яъни шомон билан ядачи бир хил шахсларми ёки алоҳида шахсларми деган савол очиқ қолдирилган ёки эътибордан четда қолиб кетган. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, бу саволга Маҳмуд Кошғарий ўз даврида жавоб бергани юқоридаги мисоллардан ойдинлашади. Балки, энг қадимги даврларда ядачилик билан қамлар шуғулланган бўлиши мумкин. Кейинчалик айрим сабабларга кўра, ядачилик қамликдан ажралиб чиққан. Қамликда Кўк Тангри эътиқоди билан боғлиқ маросимлар акс этса, ядачиликда, айниқса, ёмғир чақириш билан боғлиқ маросимларда ислом дини билан боғлиқ удумларни кўришимиз мумкин. Маҳмуд Кошғарийнинг фикрларига асосланиб, қам

муқаддас ўсимликлар култи бунга далилдир. Айниқса, улар орасида қуёш ва ой культлари алоҳида ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан қараганда, “Олтун ёруғ” асарида ҳам Қуёш ва Ой рамзий образлари кўп учрайди. Асарда культ даражасига кўтарилган ушбу рамзлар улар тасаввурида фикр ойдинлигини амалга ошириш объекти бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам уларнинг вазифаларида ранг-баранглик ва кейинги давр самовий культлари билан маънодошлик кузатилади. Масалан: **Асл матн транскрипцияси:** 9б/¹⁴...*İnçä qlti künnüing* ¹⁵*ayning idi öngi adirmaqi yoq,* ¹⁶*kösüngünüing suwnung ymä öngi* ¹⁷*adirmaqi yoq, yruqnung yaltriq-* ¹⁸*ning ymä öngi adirmaqi yoq.../ 10 à (ikinti ülüsh on)/* ⁶... *İnçä qlti: kün ay t(ä)ngrilär-* ⁷*nüing y(ä)ruqlari köligi blgürtmis-* ⁸*läritäg taqi yämä tüzünlär* ⁹*oghliya, inçä qlti ülgüsüz* ¹⁰*öküsh suwlarta kösüngülärtä* ¹¹*kün ay t(ä)ngrilärnüing y(ä)ruqlari* ¹²*tayaqlighin kök qaliqning köligä-* ¹³*sī adruq adruq <adin> (Туркия наширида шу сўз орттирилган) öng körk blgülär-* ¹⁴*i birlä adirtligh körüntülär.* ¹⁵*İnçip bu <kök> (Туркия наширида шу сўз орттирилган) qaliq yana özi öngsüz* ¹⁶*blgüsüz titir. Ändagh ärip <yana> kün* ¹⁷*ay t(ä)ngrilärinüing y(ä)ruqlaringa tayan* ¹⁸*maq üzä önglüg blgülüg köligäk* ¹⁹*körkitür kösüntürür.* **Маъноси:** 9б/¹⁴... Шундай қилиб, кун (ва) ¹⁵ой фақат рангда фарқ қилмайди ¹⁶кўзгу (ва) сув ҳам рангда ¹⁷фарқ қилмайди (ва) ялтироқ (нарса) ¹⁸ҳам рангда фарқ қилмайди.../ 10а (ўннинг иккинчи улуши)/ ⁶... Шундай қилиб, (улар) кун, ой худоларининг ⁷нурлари (сояси)ни намоён ⁸қилгандай бўлади. (Эй) аслзодалар ⁹ўғли! Шундай қилиб, беҳисоб ¹⁰кўп сувларда, кўзгуларда ¹¹кун, ой худоларининг нурларига ¹²таяниш орқали кўк осмоннинг акси, ¹³турли-туман ранги, ¹⁴белгилари ажралиб туради. ¹⁵Шу тариқа бу <кўк> осмоннинг моҳияти рангсиз, ¹⁶белгисиз дейилади. Шундай қилиб, (кўк осмон) кун, ¹⁷ой худоларининг нурларига таяниш ¹⁸орқали ўзини ранг-баранг, белгили кўланкали (эканини) ¹⁹кўрсатади, кўрсаткизади.

Махаяна мазҳаби мифологиясига кўра, Кун ва Ой алоҳида худолар бўлиб, комиллик, етуклик рамзлари ҳисобланган. Юқоридаги парчада бўдиставларга қилинган даъват орқали Кун ва Ой образлари мифлаштирилиб қуйидаги вазифаларни бажаради. Масалан: 1. Матнда, кун-ой, сув-кўзгу рангларда фарқ қилмаслиги айтилмоқда. Бу ерда жисмларнинг ранглари моддий жиҳатдан деярли бир хиллиги билдирилган. Аслида ҳам бу жисмлар ялтироқ кўзни қамаштирувчилар ҳисобланади, яъни, бу ялтироқлик рангларда бир хилликни келтириб чиқаради. 2. Кейинги матнда сув ва кўзгу Кун-Ойнинг аксини ифодалаши айтилади. Шунинг учун ялтироқ (нур сочадиган) буюмнинг барчаси Кун ва Ой бўла олмаслиги, асло уларга айланиб қолмаслиги айтилади. 3. Кейинги жумлада кўк осмон Кун, Ой худоларининг нурларига таяниши орқали ранг-баранг, белгили кўланкали, яъни буюклигини намоён қилади. Ҳатто кўк осмоннинг қандай рангда товланишини улар белгилаб берган.

Умуман олганда, осмонни табақалаш, ундаги жисмларнинг ҳар бирининг ўз вазифаси борлиги қадимги туркий халқларга хос хусусиятлардан биридир. Будда, Кўк Тангри, Шомонлик эътиқодларидаги ўхшаш сюжетлар ва образлар кўк билан боғлиқ ҳолда кўзга ташланади. “Олтун ёруғ”даги

Эрлик, будда адабиётидаги Мангдашира, Мойтўра, Шакямуни каби образлар кейинчалик қоришиқ ҳолатда сақланиб қолди. Ҳатто, Марказий Осиёда кенг тарқалган Мойтўра культига ҳам алоҳида шеър бағишланган. Мойтўра тўғрисида туркий афсоналар ҳам бор. Шеър Мойтўрани мадҳ қилишга бағишланган. Мойтўра, худди туркий афсоналардаги сингари ҳимоячи тимсолидир. Мойтўра Буддага эътиқод қилмоқчи бўлганларга мадад беради, инсонларга “тўрт қонун” (тўрт олий ҳақиқат)ни берадиган – будда Мойтўрадир. Тўрт олий ҳақиқатга риоя қилмаганлар эса дўзахга тушади: *1. Тўрт бандли қонун ила / 2. Тўхтамай, ҳар доим сени мақтайман. / 3. Шундай бир яхшиликка жавоб берароқ, / 4. Сенга етишайин, Мойтўра!* Шеърнинг қолган тўрт бандида ҳам сансарадаги одам комиллик қонунининг кудрати билан азоблардан қутулиш тўғрисида Мойтўрага илтижо қилади.

Умуман олганда, қадимги турк-будда манбаларига эътибор берсак, уларнинг географияси асосан, Шарқий Туркистон ҳамда Олтой ўлкаларида тарқалганлигини кўрамиз. Бунинг натижасида шу ҳудудда яратилган адабий манбаларга будда мифологик образлари кириб келди. Буларга Мангдашира, Мойтўра, Шакямуни кабиларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, юқорида номлари саналган катта-кичик асарлар таржима қилиниши ва туркий таржимонлар томонидан ўша асарларга туркий мифологик образларни атайлаб олиб кириш ҳам кузатилади. Бунинг сабаби – қадимги туркий маданий муҳитга буддавийликни кенг ёйиш ва мустаҳкам ўрнатиш эди.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли **“Қадимги турк-будда шеърлятида космогоник образлар, “Ирқ битик”лар ва “Хуастуанифт”да самовий культларнинг вазифалари ҳамда само ҳақидаги тасаввурлар”** деб номланиб қадимги туркий манбалардаги самовий культ ва тасаввурларга бағишланган.

Қадимги туркий ёзма ёдгорликларда турк-будда шеърляти манбалари ҳажм жиҳатидан кенг бўлгани боис, жанр хусусияти ва маъно-мазмун кўламига кўра, алоҳида тўхталишни талаб қилади. Турк-будда шеърляти тарихий-маданий жараёнлардан ҳамда бадий тафаккур синтези маҳсули ўлароқ юзага келган, улар ёзма ёдгорликларнинг генезисида алоҳида ўрин тутганлиги ҳамда ижтимоий ҳаётга кучли таъсир этганлиги билан диққатга сазовор. Турк-будда шеърлятига маънавий муҳитни аниқлаш ва образли тафаккурни бойитиш учун самовий культлар билан боғлиқ турли мифологик образларнинг қолдиқлари сингдирилган. Масалан, Шоир Прата (Пратья-Шри)нинг “Донишмандлик ҳақида” деб номланган шеърини олайлик. Шеър, анъанага кўра, Будда таълимоти, донишмандлик, Нирванага етишганлар ҳақида. Энг муҳими, бу даврда ёзилган шеърларда самовий культлар алоҳида ўрин эгаллайди. Шеър анча катта ҳажмда, шунинг учун уни қисқартириб кўриб чиқамиз: *“Донишманд, яхши фазилатли, худонинг марҳаматига таъзим билан” (8) Борлиқдаги (фақатгина) гуноҳсиз ҳисобланиб, соҳибқаромат бўлиб, / чунки сиз гўё ой ва юлдузлардан ҳам ажралдингиз, / барча бошиқа яхши фазилатлилар орасида / сиз барчасидан аълосиз, турли усулларда кўкларга кўтарилгансиз. (10) Худди Қуёш худоси эритгани сингари*

